



ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.uz

2019-YIL 1-AVGUST, PAYSHANBA, 30 (820)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Давлат харажатларини қисқартириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги имкониятларини юзага келтиради

Электр энергиясиз кундалик турмушимизни, иқтисодий ривожланишни тасаввур қилиш қийин. Шу боис мамлакатимизда аҳолини сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш устувор вазифалардан саналади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 450 сўм сарфланади. Аҳолига эса 250 сўмдан етказиб берилади. Бундан мақсад – халқимизни моддий қўллаб-қувватлаш.

Албатта, дотация ўз йўлига, лекин зарар билан ишлаш соҳа ривожига кучли салбий таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик керак. Вазият ўзгармаса, модернизация имкониятлари юзага келмайди, инвестицион муҳитга путур етади. Юз сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 50 сўмга сотиш кимга ҳам ёқади? Бундай соҳани модернизация қилишга ким ҳам пул тикади? Бу омил янги лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Энергетик дотациянинг мамлакатга зарари ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Шу ўринда тизимда кўз юмиб бўлмайдиган кескин муаммолар юзага келганини оқинч-оқинд айтиш вақти аллақачон етганини таъкидлаш керак. Мамлакатимиздаги айрим электр станциялари ўтган асрнинг биринчи ярмида, "янгилари" 10-20 йил кейинроқ қурилган бўлиб, узоқ вақт модернизация қилинмаган ва маънан жуда эскирган. Электр тармоқлари ва трансформатор пунктларининг қариб 65 фоизи ўз хизмат даврини ўтаб бўлган.

Шу билан бирга, аҳоли кўпайиши ва яшаш ҳудудлари кенгайиши, турмуш даражаси ўсаятигани, ҳар бир оилادا телевизор, кондиционер, музлатгич, компьютер, уяли алоқа ва бошқа турдаги машииний техника воситалари кўп ишлатилаётгани, ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш суръатларининг ортishi электр энергиясига талаб кескин ошишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, "Худудий электр тармоқлари" АЖ аҳолига АСКУЭ, яъни электрон ҳисоблагичларни бепул ўрнатиб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ҳам қўшимча харажат, оддий қилиб айтганда, моддий зарар. Рақамларга мурожаат қилсак, ҳар бир шундай ҳисоблагич ўрнатиш нархи билан ўртача 770 минг сўмга тушмоқда.

Айни пайтда муқобил энергиядан (кўёш, шамол ва ҳоказо) фойдаланишнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Улар сарфланган маблағни қоплаши учун узоқ вақт талаб қилинади. Ваҳоланки, ҳар қандай инвестор имкон қадар тезроқ фойда олишни уйлайди. Масалан, мутахассислар шамол ёки кўёш электр станцияси ишлаб чиқарган 1 киловатт энергия нархи 6 центгача етишини таъкидлайди. Станциянинг ўзини қоплаш муддатини узайтириш орқали бу кўрсаткични камайитириш мумкин, лекин ҳеч бир инвестор бунга рози бўлмайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, электр энергияси тарифларини оптималлаштириш кўзда тутилмоқда. Модомики, истеъмол кун сайин ортар экан, давлат кўраётган зарар ҳам кўпаяверади. Вақти келиб, бутун тизим таназзулга учраши ҳам тайин. Демак, тизимда рентабелликни ошириш учун унга бозор муносабатларини жорий этмасликнинг иложи йўқ.

Табиики, нарх ошиши ҳеч кимга ёқмайди. Лекин янги ўзгаришнинг аҳамиятли томони шуки, нархдаги фарқ унчалик кўп бўлмайди. 1 киловатт/соат энергия нархи 295 сўмга чиқарилади, яъни бор-йўғи 45 сўмга оширилади. Энди бир оила ойига ўртача 150 киловатт энергия сарфлашини инобатга олсак, қўшимча тўлов атиги 6800 сўмни ташкил қилади.

Бу бир-икки литр салқинлатувчи ичимлик ёки интернетдан битта клип юклаб олиш нархига тенг.

Нарх ошгани унчалик оғир эмас. Лекин тўлов юқини янада енгиллатиш мумкин – тежамкор чироқлар ўрнатиш, чойни "Тефал"да эмас, газда қайнатиш, кир ювиш машинасини тўла қувват билан ишлатиш, оқшом кондиционерни ўчириб қўйиш ва ҳоказо.

Нарх ошмаса, ҳаёт қанчалик енгил бўлиши ҳақида истаганча гапириш мумкин. Лекин шу тарзда давом этаверсак, оқибат нималарга олиб келишини ҳам уйлаб кўриш вақти келди. Келажак авлод бизни кечирадимики?

Электр энергияси соҳасига "ижтимоий меъёр" тизимини жорий этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Яъни, айтилик, бир оиланинг ойлик эҳтиёжи 250 киловатт деб белгиланади ва бу миқдор ошиб кетмаган тақдирда, тўлов белгиланган нархда амалга оширилади. Аксинча эса, қўшимча тариф қўлланилади. Бу истеъмолчиларни тежамкорликка чорлаб, беҳуда энергия сарфлаш ҳолатларига барҳам берилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тарифларнинг оптималлаштирилиши энергия таъминоти барқарорлигини сақлашга хизмат қилади. Чунки, аввало, соҳага инвестициялар жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш имкониятлари бугунда келди. Шу тарихда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар банкротликка учрашининг олди олинади.

Бинобарин, давлатнинг энергетик дотацияга ажратаётган ресурслари қисқаради ва уларни боғча, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий объект ва лойиҳаларга, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш имкониятлари кучаяди.

Обиджон ДИЛМУРОДОВ,
"Худудий электр тармоқлари"
АЖ мутахассиси.
УЗА



Қизғин муҳокама, таклиф, баҳс-мунозаралар давом этмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Хоразм вилоятларида О'зЛиДеРнинг янгиланган дастури ҳамда сайловолди платформаси лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан аниқ фикр-мулоҳазаларни жамлашга қаратилган очиқ мулоқотлар ўтказилди

Жойлардаги тадбирлар ва уларда эришилган натижаларни таҳлил қилар эканмиз, қоғоздан амалиётга, умумийликдан аниқликка, мавҳумликдан реалликка тамойиллари устуворлик касб этаётганига гувоҳ бўлдик. Фикрлар ранг-баранглиги ҳам эътиборни тортди. "Мен ҳамкасбимнинг (ёхуд партиядошимнинг) юқоридаги мулоҳазаларига қўшилмайман", дегувчилар эса муҳокамаларни мунозараларга айлантиришга кўмаклашди. Партия электоратининг салмоқли қисмини ташкил этишчи ишбилармон доиралар вакилларининг ушбу мулоқотларда бевосита қатнашиши мақсадга элтувчи йўлларнинг энг яқинини танлаш имконини беряпти.

Давоми 4-5-саҳифаларда →

Энергия ресурсларининг нархи нега ошмоқда?

Хонадонимиздаги газ плитасидан чиқаётган "зангори олов" ёки уйимизни, кўчаларимизни ёритаятган электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш давлатга қанчага тушиши ҳақида ҳамisha ҳам уйлайвермаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, икдро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш масалалари юзасидан соҳа мутахассислари фикрлари билан қизиқдик.

Баҳром АШРАФХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 июль куни "Ёқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларни ўзгартириш тўғрисида"ги қарори билан молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ёқилги энергетика комплекси корхоналарининг мувозанатли ривожланиши ва безарар ишлашини таъминлаш мақсадида 15 августдан бошлаб энергия ресурслари тарифларига янги нархлар жорий этилди.

Охириги марта бу борадаги нархлар 2018 йил 16 ноябрда ўзгартирилган бўлиб, аҳоли учун 1 киловатт/соат электр энергияси 250 сўм, 1 куб метр табиий газ 320 сўм эди. Вақт ўтиб, бу нархлар таҳлилий кўриб чиқилган, ҳозирги инфляция даражасини эътиборга олган ҳолда ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, 1 киловатт/соат электр энергияси 295 сўм ёки (+18 фоиз), 1 куб метр табиий газ 380 сўм (+18 фоиз) этиб белгиланди.

Бугунги кунда аҳоли машииний хизматлар учун суолтирилган газдан ҳам кенг фойдаланмоқда. Шу туфайли газнинг 1 килограммига 1 минг 120 сўм (+18 фоиз) нарх қўйилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 15 августдан бошлаб:

– Аи-80 маркали автомобиль бензинининг чакана нархи – бир литри учун 4500 сўм (4000 сўм эди);

– Дизель ёқилгисининг чакана нархи – бир литри учун 5400 сўм (4800 сўм эди) этиб белгиланмоқда.

Иқтисодий ишлаб чиқариш учун бу ресурсларнинг аҳамияти жуда долзарб ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизни узлуксиз равишда табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралади. Аслида мазкур энергия манбаларининг асл таннархи аҳолига сотилаётганидан анча баланд ҳисобланади. Масалан, 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 450 сўм сарфланмоқда. Шунингдек, 1 куб метр табиий газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш 751 сўмни ташкил этади. Шунини эътиборга олиб, давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш мақсадида паст нархлар белгиланди.

Мамлакатимизда янгидан-янги сановат зоналари, корхоналар қурилаятгани, аҳоли сони ортаятгани, янги маҳаллалар ва ёш оилалар қўпаяётгани туфайли энергия ресурсларига эҳтиёж ҳам кун сайин ошмоқда. Бу жараённи энг чекка ҳудудларда ҳам қузатиш мумкин. Шунини эътиборга олиб, электр энергияси ва табиий газни ишлаб чиқариш ва узлуксиз етказиб бериш мақсадида нархларга бир оз ўзгартириш киритилди.

Ушбу табиий ресурсларнинг ўз таннархидан паст даражада сотилиши хорижий инвесторларнинг соҳадаги ҳамкорлигига тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаятган электр энергияси ва табиий газни бошқа давлатлардагига нисбатан солиштирганимизда ҳам анча ўзгариш борлигини кўраемиз. Масалан, 1 киловатт/соат электр энергияси Россия Федерациясида 378 сўм,

Молдовада 860 сўм, Қирғизистонда 350 сўм, Тожикистонда 380 сўм, Қозғистонда 340 сўмни ташкил этади.

Ўз навбатида, 1 минг куб метр табиий газ Украинада 100-150 доллар, Россия Федерациясида 80-100 доллар, Беларусда 90-110 доллар, Қозғистонда 80-90 доллар, Қирғизистонда 214 долларга тенгдир. Ўзбекистонда бу нарх 37,7 долларни ташкил этади.

Қамолiddин УСМОНОВ, "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти департаменти бошлиғи:

– Бугунги кунда мамлакатимизда 3,5 миллиондан ортиқ (йиллик эҳтиёжи 10 миллиард куб метр) аҳоли хонадонлари ва 84 мингдан (йиллик эҳтиёжи 30 миллиард куб метр) ортиқ улгуржи истеъмолчилар табиий газ билан таъминланмоқда.

Ўтган йили 150 мингга аҳоли хонадони ва 20 мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчи, шунингдек, ҳудудларда ташкил қилинган эркин сановат ва кичик сановат зоналарида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари табиий газ тармоқларига уланди. Уларнинг эҳтиёжлари эса йил сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга, республикаимиздаги табиий газ қазиб олувчи, қайта ишловчи ва тақсимловчи корхоналар тизимидаги асбоб-ускуналарни замонавийлаштиришга маблағни, аввало, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархидан ортиқ сотиш ва фойда кўриш ҳисобидан ажратиш мумкин.

Шу туфайли мазкур корхоналардаги техникалар ва асбоб-ускуналарни замонавийлаштиришга маблағни, аввало, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархидан ортиқ сотиш ва фойда кўриш ҳисобидан ажратиш мумкин.

УЗА мухбири
А.МУСАЕВ
ёзиб олди.

Янги сиёсий технологиялар қандай ўзлаштирилади? **2**



БУГУНГИ СОНДА:


Шинжонда кўрган-кечирганларим **6**



Шарғунга бир келиб кетинг... **3**

Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудлари билан туташ Шарғун шаҳарчаси улкан қурилиш майдонига айланди. Шаҳарча кун сайин кўркам ва замонавий қиёфага киряпти.

Эшқобил ШУКУР: Одамнинг биринчи пири – унинг виждонидир. **8**



O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида

Янги сиёсий технологиялар қандай ўзлаштирилади?

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганиш мақсадида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Мазкур ўқув машғулотида партиянинг ҳудудий кенгашларидаги мафкуравий ишлар бўлими, Сиёсий таълим марказлари ҳамда матбуот хизматлари ходимлари жалб этилди. Таниқли сиёсатшунослар, PR-технологлар, депутатлар, блогерлар томонидан ўқув машғулоти олиб борилди. Унда лекторлар томонидан "Сайлов кодекси — миллий сайлов қонунчилигимиз ривожидида янги босқич", "Сайлов жараёнида босма нашрлар учун матбуот материаллари тайёрлаш принциплари", "Сайлов жараёнининг интернет тармоғида самарали тарғибот усуллари", "Бугунги ахборот маконида сиёсий PR технологиялар ва тенденциялар" каби мавзуларда маълумотлар берилди. Шунингдек, сайловди тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари даражасида самарали ташкил этиш, партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловди дастурини таъсирчан механизмлар асосида ишлаб чиқиш ва бошқа қатор масалалар бўйича амалий машғу-

лотлар ўтказилди.

Муҳокамалар жараёнида семинар иштирокчилари томонидан партиянинг янгиланган дастури ва Сайловди платформаси лойиҳаси юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди. Айниқса, айни пайтда долзарб бўлиб турган кўлаб туман ва шаҳарларда аҳолининг уй-жойлари, тадбиркорларнинг кўчмас мулкларини мавжуд қонун ва қоидаларга зид ҳолда бузиб ташлаш ҳолати билан боғлиқ масала қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу борада ечимини кутаётган оғриқли масалалар бўйича аниқ фикр-мулоҳазалар, саволлар ўртага ташланди.

Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Гавҳар Тўхта-синова мавзуга тўхталиб куйидаги фикрларни баён этди.

— Муҳокамалар мавзусига айланган Янгийул ва Урганч шаҳарлари, Риштон, Олтиариқ, Қамаш, Яккабоғ, Сариосиё туманларидаги фуқароларнинг хусусий мулкларни тартиб-таомилларга зид ҳолда бу-

зилаётганлиги қонун тугул оддий инсонийлик меъёрларига ҳам мос келмаяпти. Ушбу ҳудудларда ҳокимлар бошчилигидаги раҳбарларнинг бош мақсади халқ фаровонлигини ўйлаш эмас, халқни қийнаб бўлса ҳам аввало юқори раҳбариятга яхши кўри-нишга айланиб бораётганлигини аниқлаш қийин эмас.

Аҳамиятли жиҳати "снос" масаласида тадбиркорлар ҳам жуда катта жабр кўрмоқда. Электоратимиз дуч келаётган бундай оғриқли ҳолатларни аниқлаш ва уларни ижобий ҳал этиш партияимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир. Бизнинг партияимиз тадбиркорларни ҳимоя қиламан деб ваъда берган экан, албатта, тадбиркорларнинг хусусий мулк дахлсизлигини тўлиқ қонун остида таъминлаши керак. Биз томошабин бўлиб четда қолмаслигимиз керак. Ахир тадбиркорлар бизнинг электоратимиз-ку? Мана шу каби бир қатор муаммоларнинг олдини олиш, тадбиркорларни қонуний ҳимоя қилишда партияимизнинг дастурига аниқ механизмларни



кўрсатиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўқув-семинар давомида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг тажрибали ўқи-

тувчилари, ижтимоий тармоқларда ўз фаоллиги билан иштирок этиб келаётган блогерлар сайлов жараёнида қандай сиёсий технологияларни қўллаш борасида маҳорат дарслари олиб боришди. Эслатиб ўтамиз, ушбу ўқув-семи-

нарда иштирокчилар икки кун давомида ўз маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказиб, тажрибаларини бойитиб олишди.

O'zLiDeP матбуот хизмати Шўҳрат РАҲИМОВ олган суратлар.

Юрган дарё...

Оловқалб одамлар орасида

Ижодкорга юрт кезиш, одамлар орасида бўлиш, китобхонлар билан учрашиш, ижодий мулоқот куриш, баҳс-мунозараларга киришиш ўзгача бир шуқуқ бағишлайди.

Тушга яқин Фарғонадан Тошкентга қайтиб, эндигина ҳордик чиқарётсам, телефоним жиринглади. Машҳур профессор Қозоқбой Йўлдош йўқлаётган экан.

— Эртага саҳарда Сирдарёга бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашувга жўнаймиз, сизам рўйхатда борсиз.

— Устоз, машина минаманми, — сўрадим автоуловдан ҳориган кимсадек.

— Йўқ, ўзингиз келсангиз бўлди, — деди овози гўшаки титратгудек бўлиб.

Пойтахтнинг "Самарқанд" бекатида йиғилиб, сафарга отландик. Машиналар бир текис йўл босаётди. Йўлнинг икки тарафи далалар, турфа хилдаги қишлоқ хўжалик экинлари гуркираб, кенгликларга чирой бахш этаётди. Бугдойлар пишиб, ўрим-йғим охираётган дамлар эди. Ғалладан бўшаган ерларда деҳқонлар куймаланиб юришибди, бир ёқда эса мол, қўй-қўзилар ўтлаётди.

— Бу йил бугдой йили бўлди-да, — дейман ҳамроҳларимга қараб ҳаяжон билан, кўзим эса бугдойзорда.

— Э, ёмғирлар йили бўлди денг, бугдойлар сув сўрамай ёмғирда пишиди, — дейди Қозоқбой ака ҳозиржавоблик билан.

— Нимасини айтасиз, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхон кенгликлариди, қиру-тоғлариди ўт-ўлан тизза бўлиб бўлди-да, чорвагаям Худойим қарашди, — дейди шоир Фахриёр кўзларини йўл ва руддан узмасдан.

— Ёмғир ҳам эви билан ёгсин экан-да, бизнинг "Дўрмон" боғларида гилос бўлмади, ўрикни ёмғир томчилари яра, кўтир қилиб юборди, дедим куюниб...

Қадим Сирдарё кўпригидан ўтар эканмиз, Қозоқбой ака узокдан саробдек оқаётган сувга тикилганича бир энтиқиш туяди.

— Сув беғубор, шаффоф мўжиза-ку, — дейди жўшиб. — Уни қадрига етишимиз шарт. Мана, Оролнинг ҳоли не кечди?

— Мен, асли Чимкент томон-



ларданман, ўзларингиз ҳам Аҳмад Яссавий бобомиз зиёрати ёхуд Миртемир домла, Одил Ёқубов, Носир Фозиловлар тугилган тупроқни кўришга неча марта боргансизлар. Йўл йўлақай чексиз далалар баҳорда яшнаб, ёз, куз бўйи сувсизликдан сап-сарғайиб ётади. Фақат туяларгина қуриган янтоқми, нимадир излаб юради. У жойларга туяларгина чидайдди, — дейди ёниб зукко адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков.

— Сувсизлик оқибатидан неча-неча йилларки, Орол қисмати фожеа билан тугади. Қанча-қанча ерларни шўр босиб, туз шамоли хавф солаётди. Буни қарангки, шахсан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Орол чекини кетган майдонларга экологик хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида чидамли саксовул ва шўрга бардошли дарахтлар экила бошланди. Ажаб эмаски, яқин йиллар ичра бу жойлар ям-яшил ўрмонзорга айланса, — дея сўзлайди Қозоқбой оға.

— Ўқидинларим, қалби уйғоқ журналист Ёқубжон Хўжамбердиевнинг яқинда "Хуррият" газетасида босилган "Борса-келмас

сафари ёки Устурт супасидаги синоатлар" номли мақоласида Орол атрофидаги ерларнинг обод бўлаётгани, фидойи инсонлар шижоати ёрқин лавҳаларда очиб берилган.

Ижодкорлар билан сафардош бўлиб йўл юришининг ҳам ўзига хос гашти бор-да. Шундай тизгинсиз хавллар суриб борарканман, бир маҳал машинамиз йўл четиди тўхтади. Узилган тордек гурунгимиз авжиди узилди. Бирин-кетин пастга тушарканмиз, қаршимизда эндигина яшаш учун топширишга тайёр тасбеҳ донналаридек кўп қаватли қатор уйлар кўринди. Замонавий бекатда адабиёт ихлосмандлари, китобхонлар йўлимизга пешвоз чиқибди. Туман оқсоқоллар кенгаши раиси Ёқубжон ака тадбир ҳокимият залида ўтажагини билдириб, ҳаммани машиналарга етаклади. Йўл-йўлақай Ёқубжон ака туман ғаллакорлари ҳар гектар ердан 60 центнердан бугдой олиш ҳаракатида экани, ҳоким бува эса бугдойзорлар оралаб кетганини изоҳлади. Аксарият ишлар кўнгилларни чоғ қилгудек эканини эшитиб қувондик.

Фидойи адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг "Сўз ёлқини" китоби тақдими баҳонасида уюштирилган машварат ниҳоятда ажойиб руҳда ўтди.

Пойтахтдан келган таниқли ижодкорлардан Азим Суян, Абдусабир Кўчимов, Луқмон Бўрихон, Абдуҳалиқ Абдураҳмонов ва бошқалар адабиёт ихлосмандлари ҳузурда ҳаёт ва адабиёт уйғунлиги, айниқса, бир замонлар эртакларда ёзилганидек, қўш учса қаноти, одам юрса оёғи қуйиб кетгучи Мирзачўл бағрида, яъни Сирдарёнинг адоқсиз дала-майдонларида бугун улкан бунёдкорлик ишлари, яратувчанликка хос саъй-ҳаракатлар амалга ошаётганидан ҳайратда эканликларини изҳор этишди. Энг қувончли жиҳати, тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳити яратилган, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик майдонига айланган Гулистон туманида ўзимиз кўрган, гувоҳи бўлган гўзал манзаралар ҳар бир ижодкор қалбини тўлқинлантирди, айтиш мумкинки, биз янги давр қаҳрамонлари билан юзма-юз учрашдик, дардлашдик. Демак, бундай самимий гурун-лар узлуксиз давом этиши керак экан.

Турсун АЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Тарғибот тадбири

Тошкент шаҳрида айни пайтда 508 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ана шу маҳаллалардан 217 тасида сайланган раис, МФЙ котибларидан эса 185 нафарини O'zLiDeP аъзолари ташкил этади. Партияимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида жойларда турли мавзуларда манавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Маҳаллага таянчларимиз кўл

Масалан, жорий йил июнь-июль ойларида O'zLiDeP Чилонзор туман Кенгаши раиси Раҳматилла Қаримов бошчилигида тумандаги 51 нафар маҳалла раиси, O'zLiDeP Юнусобод туман Кенгаши раиси Рената Юнусова бошчилигида 63 нафар маҳалла раиси, O'zLiDeP Яшнобод туман Кенгаши

маънавиятини ва маданиятини юксалтириш каби масалалар ҳам давра суҳбатлари марказида бўлди.

Тадбирларда O'zLiDePнинг Устав, Дастурида белгиланган устувор вазифалар доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди ҳамда партия сафига қабул қи-



раиси Саидолим Насретдинов бошчилигида 58 нафар маҳалла раиси иштирокида, O'zLiDeP Олмазор туман Кенгаши раиси Раъно Хожимухамедова бошчилигида эса 58 нафар маҳалла раиси иштирокида туркум йиғинлар уюштирилди.

Тадбирлардан кўзланган мақсад — маҳаллада янгилик яратишга чанқоқ, эл-юрт равнақи, аҳоли манфаатлари учун фидойи бўлган гўзал манзаралар ҳар бир ижодкор қалбини тўлқинлантирди, айтиш мумкинки, биз янги давр қаҳрамонлари билан юзма-юз учрашдик, дардлашдик. Демак, бундай самимий гурун-лар узлуксиз давом этиши керак экан.

лининг янги онлайн тизими тўғрисида маълумот берилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда O'zLiDeP партия ташкилоти ва маҳаллалар ўртасида амалий ишларни йўлга қўйиш, кичик бизнесни ривожлантириш, микрокредит олишга ёрдамлашиш ва бошқа учраб турган муаммоларни ҳал этиш сингари йўналишлар ҳам муҳокама этилди.

Анжуманлар якунида O'zLiDeP билан маҳалла фуқаролар йиғини ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш ҳамда ривожлантиришда фаол қатнашётган маҳалла вакиллари O'zLiDeP ташаккурнома ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Бундай тарғибот тадбирлари ҳозир ҳам давом этмоқда.

Улғубек ЭШОНХУЖАЕВ,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим мудир

Худудий партия ташкилотларида

Қизғин муҳокама, таклиф,

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент ва сайловолди платформаси лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан аниқ

БУГУНГИ САЙЛОВЧИ ЭРТАГА ЎЙЛАБ ОВОЗ БЕРАДИ



Қорақалпоғистон Республикасидаги мулоқотларда бевосита қатнашган О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Гулжан Халмуратованинг маълум қилишича, мамлакатимиз шимолидаги партиядошларимиз ҳам янгилашган дастур лойиҳасини янада такомиллаштиришга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Буни эмин-эркин билдириладиган ва бошқаларни баҳсга чорлаётган мулоҳазалардан ҳам пайқаш мумкин.

Халқ депутатлари Амударё туман Кенгаши депутати Муқаддас Бекназаровага кўра, аҳолини тадбиркорликка янада кенг жалб қилиш мақсадида партия ташаббуси билан қисқа мuddатли курс-

ларни очиш вақти келди. Шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун "Тадбиркорлик сабоқлари" деб номланган алоҳида дарсликлар яратиш фойдадан холи бўлмайди.

О'zLiDeP Мўйноқ туман Кенгаши аппарат раҳбари Абдижаббар Тилеуов энг чекка овуллардаги ёшлар ва хотин-қизларнинг саломадлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш учун нуфузли даволаниш муассасаларига бепул йўланмалар бериш тизимини жорий этиш, тадбиркор ва фермерлар, интеллектуал мулк эгаларидан иборат хусусий сектор вакилларининг фаолиятини ОАВ орқали мунтазам ёритиб бориш ниятида "Biznes TV" телеканални очиш тарафдори.

Мулоқот иштирокчиларини партия дастурига киритиш таклифи этиладиган янгилликлар билан О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шарапат Ҳатмисов таништирди. Унинг

мулоҳазаларига кўра, сўз эркинлиги ҳуқуқи таъминланган, очиқ ахборот маконидан монеликсиз фойдаланадиган сайловчининг талаби даражасида фаолият юритиш осон эмас. Шу боис ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартириш режалаштирилмоқда.

Амалдаги дастур еттига бўлимдан иборат бўлса, таклиф этиладиган лойиҳа Ҳаракатлар стратегияси тузилиши каби беш бўлимни ўз ичига олган. Сайловолди платформаси бўлимларининг номланиши ва кетма-кетлиги ҳам стратегияга мослаштирилган. Уларни тайёрлаш жараёнида 2016 йилдан кейин қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари талаблари, ижтимоий-иқтисодий давлат дастурлари, миллий қонунчилик ва халқаро тажриба атрофлича кўриб чиқилган.

О'zLiDeP партиянинг янгилашган дастури ва сайловолди дастури лойиҳасига бағишланган йўналишлар чекка туманларда давом этмоқда. Хусусан, Қораўзак, Амударё, Тўртқўл, Кегайли, Хўжайли, Чимбой, Тахиятош ва Эллиқалъа туманларида электротар вакилларини қўллаб-қувватлашга доир кўп-лаб таклифлар билдирилди. Муҳокамаларда О'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, электротар вакиллари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Ханиязов О'zLiDePнинг янгилашган дастури лойиҳасига бағишланган муҳокамаларда фаол қатнашиб, бугунги сайловчининг талаби яқин ўтмишдаги сайловчи талабидан анча фарқ қилиши, электротарнинг сийёсий қарашлари теранлашганига урғу берди. Партиянинг янгилашган дастури ва сайловолди платформасини ана шу талаблардан келиб чиқиб такомиллаштириш лозимлигини қайд этди.

Муҳокама жараёнида Эллиқалъа туманидан яқка тадбиркор Н.Мамбетов кре-

дитни тўғридан-тўғри тадбиркорларнинг ҳисоб-рақамига ўтказиш, учинчи шахс билан шартнома тузмасдан кредитни тадбиркорнинг пластик картасига тушириб бериш кераклигини, хунараманд Б.Аминбаев "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури доирасида кам фойзли кредитлар борлиги, лекин қолган бошқа йўналишдаги кредитларнинг фойзи юқорилиги, уларни пасайтириш чораларини кўриш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Амударё туманидаги "Тамара-Феруза" хусусий корхонаси раҳбари Т.Осупова ёшларга давлатимиз томонидан қулай шартлар яратилганини тилга олди. Аммо иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳаларини саралаш орқали рағбатлантириш мақсадида ҳар бир вилоят, лозим топилса ҳар бир ҳудудда иқтидорли ёшлар учун танлов асосида грантлар жорий этиш таклифини айтди.

Қораўзаклик фермер Лейла опа Мунта-

ева ҳам қишлоқ мулкдорларини сафимизга янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг партияга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида "О'zLiDePнинг фидойи фермери" каби кўрик-танловини ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Партиянинг Чимбой туман кенгаши аппарат раҳбари Б.Ганиев маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолиятини баҳолаб бориш бўйича рейтинг тизимини ишлаб чиқиш, қониқарсиз ишлаган депутатларнинг мақомини бекор қилиш бўйича қонунчиликка тузатиш киритиш таклифини илгари сурди. Хуллас, мунозаранинг мағзини партиянинг янгилашган дастури ва сайловолди платформасининг лойиҳалари ташкил қилди. Мутасаддиларнинг изоҳлари, навбатдаги сайловларда электротарга мамлакатни яқин ва узоқ мuddатларда ривожлантиришнинг энг мақбул йўлларини таклиф қила олган партиёга галаба қозониши шубҳасиз.



ЭНДИ СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ БЎЛАДИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг анжуманлар залига йўнгилган ПОЙТАХТдаги маслақдошларнинг давра суҳбати ўз-ўзини танқид билан бошлангани ҳаво ҳарорати одатдагидан юқори бўлган шу кунларда кўпчиликнинг юзига муздек сув сепгандек таассурот қолдирди.

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаровнинг тадбир ҳолида қолиб кетган "тадбирлар"га аниқ мисоллар келтирилганда маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз ҳам сергак тортиди. Ишчанлик руҳи эса кўп-лаб таклифларнинг ўртага ташланишига туртки берди.

Масалан, миллий маҳсулотни бренд даражасига кўтаришга уринаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш учун савдо нуқталарида сотувга қўйиладиган импорт моллари умумий миқдорнинг 50 фоизидан ошмаслиги кераклигига оид таклиф баҳс майдонини янада кенгайтирди. Турфа имтиёзларини бекор қилиб, барча тадбиркорларга бир хил шароит яратиш лозимлиги масаласи қўйилганда ҳам шундай жараён кузатилди.

О'zLiDeP янгилашган дастурида коррупцияга қарши кураш масаласини қамраб олишни мақсад қилган экан, давлат муқофотларига номзодлар рўйхатини шакллантиришда шаффолик ва холисликни таъминлаш, тендерларни онлайн тарзда ташкил этиш, раҳбарлик лавозимларига (хусусан, вазирлар, давлат қўмиталари ва компаниялар раислари) конкурс эълон қилиш, вилоятлар ҳокимларини сайлаш тартибини жорий этиш бўйича қонунчилик ташаббусини илгари суриш билан боғлиқ ўта залворли таклифлар партиянинг қўйи бўғинидаги фаоллардан чиқаётгани диққатга сазовор, албатта.

Тадбир иштирокчилари дастур лойиҳасида "иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш" деган жумла жуда юзаки ёзилганига эътироз билдиришди. Мутахассислар "яхшилаш"дан олдин кўп жойларда қайта тиклаш ишларини олиб бориш, соҳага камхарж замонавий технологияларни татбиқ этиш, инновацион бошқарувга ўтиш лозимлигини таъкидлашди.

Фаоллар аввал қабул қилинган дастурларни қай даражада бажардик, деган саволни ўртага қўйиб, қилинган (ё бажарилмаган) ишлар таҳлили мисолида муҳокамаларни давом эттиришди. Бу ерда гап партиянинг Тошкент шаҳрида давлат ҳокимияти вакиллик орган-



ларига 2017 йил бўлиб ўтган сайловлардаги иштирокчи оид мақсад ва вазифалари акс этган "Жонажон пойтахтимизни биргалликда энг обод шаҳарга айлантирамиз" деб номланган дастур хусусида бораётган эди.

О'zLiDeP Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларининг фаол амалга ошириладигани Ўзбекистоннинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган либерал испохотлар йўлини тутгани, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга киришганидан далолат эканини алоҳида таъкидлаш бежиз эмас, албатта.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга ошириш, жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш борасида амалда бир ёқадан бош чиқариб, фаол иш олиб бораётгани ҳам қувонарли. Партия бу вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлашда ўзининг сийёсий масъуллигини тўла ҳис қилган ҳолда, ана шу мақсадлар йўлида вакиллик ва ижро органларидаги барча имкониятларини ишга солишга эътибор қаратади.

Шу маънода Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайловлар давлат ҳокимиятининг демократик асосларини либераллаштириш ва мустаҳкамлаш билан



боғлиқ муҳим воқеа бўлган. О'zLiDeP пойтахтимизнинг жаҳондаги ривожланган мегаполислар сафидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашни ўз олдига бош мақсад-вазифа қилиб қўйиб, Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг узоқ мuddатли дастурини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни таклиф қилган.

Дастур шаҳарни социал-иқтисодий барқарор ривожлантиришни таъминлаш, уни тадбиркорлик, молия ва бизнес бўйича етакчи халқаро марказлардан, жаҳонда тан олинган йирик фан ва маданият, маориф ва маънавият марказларидан бирига айлантириш, шунингдек, аҳолиси ҳаётининг юксак сифатини таъ-

минлашга йўналтирилгани барчамизга яхши маълум.

Хўш, ушбу дастурнинг асосий тамойиллар, яъни пойтахтимизда истиқомат қилувчи ҳар бир одамга гамхўрлик кўрсатиш, барча масалаларни илғор тажрибага асосланган ҳолда самарали ва тежамкорлик билан ҳал қилиш, иқтисодиётнинг муҳим манбаи сифатида хусусий ташаббусларни, бизнесни рағбатлантириш, қарорлар қабул қилиниши ва шаҳарни бошқариш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини имкон қадар кенгроқ жалб этиш, ҳокимият органларининг ҳисобдорлигини ва очиқлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтган икки йилда нима қилинди?

Навбатдаги сайловга янгилашган дастур билан кириб борар эканмиз, сайловчилар аввалги ваъдаларнинг ижросини сўраши, тузилган режалар қандай бажарилганига баҳо бериш табиий. Мунозараларда сўзга чиққанлар ана шу жиҳатларни ҳам диққат марказидан қочирмадилар.

Умуман олганда, муҳокамалар давомида 20 га яқин жўяли таклифни қозғашга туширишга улгурдик. Улар ичида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда обдон ўйлаб кўрадиганлари ҳам йўқ эмас. Ихчам хусусий таълим муассасаларини камқувват мактаблар биносининг самарали фойдаланилмаётган қисмида очиш мақсадида мувофиқлиги ҳам ана шундай таклифлар сирасига киради.

Ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтисодиётнинг стратегик сектори бўлган туризм ривожланишида катта аҳамият касб этадиган омиллардан бири бўлиши транспорт соҳасини янада такомиллаштириш, хориж технологияларини жалб қилишда фақат Хитойга боғланиб қолмасдан, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар билан ҳам алоқаларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Бундай муҳокамалар пойтахтимизнинг ҳар бир туманида бўлиб ўтди. Уларнинг ҳар қайси-сида фалон нафардан, жами фалон минг электротар вакиллари иштирок этди, деган рақамларни келтиришдан тийилдик. Чунки О'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров таъкидлагандек, ҳозирги шиддаткор замона кўпинча сон эмас, сифат муваффақият омили бўлаётгани барчамизга аён.



Баҳс-мунозаралар давом этмоқда

Хоразм вилоятларида O'zLiDePнинг янгиланган дастури ҳамда фикр-мулоҳазаларни жамлашга қаратилган очик мулоқотлар ўтказилди



дастури мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳаларига илғор технологияларни татбиқ этиш, жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига ҳам янгиликлар киритиш борасида муҳим кадам бўлди. Мамлакат раҳбарининг фармон ва қарорлари билан тегишли соҳаларни модернизациялаш бўйича муҳим вазифалар бегуллаб берилди. Айниқса, Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши бу йўналишдаги ишларни тизимли асосга қўйишга туртки бўлди.

Ўзбекистон дунёнинг 50 та энг ривожланган давлати қаторига қўшилишини астойдил мақсад қилган экан, мамлакатни Тўртинчи сановат инқилоби талабларига мослаштириш тақозо этилади. Бунинг учун эса ҳали истиқболда кўплаб вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.

2018 йилги давлат дастурида инновацион ғоя ва технологияларни қўллаб-қувватлашнинг айнан фаол тадбиркорлик билан боғланган ҳолда илгари сурилгани бежиз

га эътиборсиз бўлиши мумкин эмас. Ватанимиз равнақиға, эртанги кунига дахлдор ушбу муаммоларни халққа тушунарли бўлган шаклда, аниқ таклифлар билан жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш лозим. Бу Президентимизнинг партия VIII съездида илгари сурган сайловолди дастури ҳамда 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясига таянган ҳолда O'zLiDeP томонидан илгари сурилган ривожланиш дастури бўлган бўларди.

Бунинг айнан O'zLiDeP томонидан илгари сурилишига яна бир муҳим асос партиянинг либерал-демократик платформада ишлаётганидир. Бугун дунё қиёфасини ўзгартиратган янги технологиялар асида либерал-демократик йўлдан илдамлаётган АҚШ ва Европада дунёга келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айнан шу сиёсий платформа ўзи учун устувор деб биладиган очиклик, тенг имкониятлар, инсон омилига бирламчи эътибор каби жиҳатлар етакчи давлатларнинг тараққиёт чўққиларига эришишига сабаб бўлди. Демак, шу асосда қўйилаётган янги технологик давр талабларини тушуниш, уларга мос ривожланиш дастурини таклиф қилиш бизнинг партия учун имконият даражасидаги ишдир. Қолаверса, бугунги технологик тараққиётга бутун дунёда O'zLiDeP ўзининг ижтимоий асоси деб билган тадбиркорлар, бизнес вакиллари етакчилик қилаётгани ҳам сир эмас.

Тадбир иштирокчилари "Ақлли, энергия тежамкор уйлар" концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, худудларнинг инвестицион жозибадорлигини юксалтиришда партиянинг ролини ошириш каби масалаларда ўнлаб таклифларни илгари сурдилар. Жумладан, O'zLiDeP Тошкент тумани кенгаши аппарат раҳбари Нуриддин Маҳкамов "XXI as" газетасининг ҳафтада икки мартаба чиқишини йўлга қўйиш, "Туман ва шаҳар кенгаши депутатлари" руқнини очиб ҳамда ҳар бир сониде қўйи тизимдаги маслақдошлар мақолаларини бериб бориш лозимлигини гапирди.

Мухтасар хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, марказда ва жойларда ўтказилган муҳокамаларнинг барчасида суд-ҳуқуқ соҳа-

сидаги ислохотларни жадал давом эттириш лозимлиги тилга олинди. Бу борада таклиф этилаётган ўзгартишларни нафақат партия электорати, балки аҳолининг кенг қатламлари ёқлаб чиқишди. Натижа шу бўлаптики, ҳали O'zLiDePнинг янгиланган дастури расман қабул қилинмасдан, истиқболли йўналишлар бўйича тегишли идоралар томонидан амалий ишлаб бошлаб юборилди. Хусусан, poma.uz хабарига қўра, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тузатишлар лойиҳаси ишлаб чиқилгани фикримиз далилидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эса "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони лойиҳаси жойлаштирилди. Бунинг ҳам амалиётдаги муҳим кадам деса бўлади. Зотан, партия фаоллари анчадан бери нотариусларга хизмат кўрсатувчи хусусий субъект сифатида қараш кераклиги хусусида фикр билдириб келади.

Фармон лойиҳасида қайд этилишича, Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасини тартибга солиш мақсадида "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими яратилган. Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва сановат вазирлигининг 2020 йил 1 январдан давлат нотариал идораларини босқичма-босқич нодавлат нотариал идоралари этиб қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланиши кутилаётгани ҳам O'zLiDeP ғояларининг ҳаётлигидан далолатдир. Белгиланишича, давлат нотариал идораларини нодавлат нотариал идоралари этиб қайта ташкил этиш адлия органларида нодавлат нотариал идораларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фаолият юритаётган нотариусларга уларнинг аризаларига асосан нотариал фаолият билан шўғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш орқали амалга оширилади. Тегишли нотариал округда қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли миқдордаги нодавлат нотариал идоралари ташкил этилгунига қадар давлат нотариал идоралари ўз фаолиятини давом эттиради.

СИЁСИЙ МАЙДОНДА ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган қўшма мажлиси "Металлургия" маданият саройида бўлиб ўтди.

"Ангрен ленд" хусусий корхонаси раҳбари Абдуқодир Бегматовнинг фикрига қўра, партия дастурида аҳамияти жиҳатдан ниҳоятда залворли, таъсир доираси жиҳатдан қўламли масалалар жой олгани маъқул. Дейлик, сайловолди платформамиз эртанги куннинг пойдевори – тараққиёт дастури сифатида намоён бўлиши учун "Тўртинчи сановат инқилоби" концепциясининг мазмун-моҳиятига алоҳида ўрин ажратишимиз даркор. Бунинг учун эса бу концепциянинг нима эканини, энг аввало, ўзимиз тушуниб олишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, инновацияларни амалиётга жорий этиш борасида 2017 йилдан бошлаб мутлақо янги тартибда иш олиб борилмоқда. 2018 йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиниши, унинг доирасида амалга оширилган давлат

эмас. Рақамли иқтисодиёт айнан кучли бизнес мавжуд жойда ривожланиши мумкинлиги бугун барчага аён. Демак, ҳам марказда, ҳам худудларда бизнес муҳитини яхшилаб бориш, айниқса, инновацион технологияларни жорий этаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бу борада муҳим натижаларга эришишга имкон беради.

Албатта, сайловолди палласида партиялар халқнинг эътиборини қозониш мақсадида, айни дамда одамларни ўйлантиратган масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши, популистик йўллар билан бўлса-да кўпроқ овоз тўплаш йўлини тўтиши керакдек туюлади. Лекин O'zLiDeP сиёсий майдонга кирганидан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг истиқбол учун масъулиятни зиммасига олган партия сифатида бугун давлатимиз олдида давр кўндаланг қўяётган муҳим масалалар-

– Мақсад мамлакатимизни иқтисодий тараққиёт даврага қаторидан муносиб ўрин эгаллашига эришишдир. – дейди O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши раиси в.б. Тўлқин Файзиёв. – Иқтисодиёт ривожини эса тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати, мулкдорлар қатламисиз тасаввур этиш қийин. Демак, O'zLiDePнинг асосий дастури ҳам, сайловолди платформаси ҳам Ҳаракатлар стратегияси билан ҳамоханг бўлиши керак. Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси,

ЭЪТИРОФГА ЯРАША ЭЪТИРОЗЛАР ҲАМ БОР

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова ҳам фаол қатнашди.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, "Ҳамкорбанк"нинг Урганчдаги халқаро бизнес маркази раҳбари Эгамберган Бобононов. – Аммо сайловолди дастурининг бирор жойида фермерларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бандни кўрмадим. Таклифим шуки, платформада қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган партиявий вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилиши шарт.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят худудий бўлинмаси раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор Илф Абдуллаевнинг фикрича, Ўзбекистонда тармоқли маркетингни ривожлантириш бўйича қонун қабул қилиш зарур. Давлатимиз раҳбари бир неча мартаба тадбиркорлик фаолиятига тўхталиб, жойларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин, лекин тайёр маҳсулотга харидор топиш мушкуллигини алоҳида таъкидлаганди. Бу борадаги масалаларни ечиш



мақсадида чет элларда тармоқли маркетинг тизими жорий этилган. У бизга ҳам кириб келган, бироқ тарқоқ ва ҳеч қандай солиқ тўламасдан фаолият юритмоқда.

– Партия дастури ва сайловолди платформасидаги йўналиш ва вазифаларни бир хиллаштириш лозим, – дейди O'zLiDeP Қўшқўпир тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Русланбек Раҳимов. – Мисол учун, дастурининг иккинчи йўналиши "Партиянинг қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги вазифалар" деб белгиланган бўлса, сайловолди платформамизнинг иккинчи йўналишида ижтимоий-сиёсий соҳадаги устувор вазифалар ўз аксини толган.

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, "Кока-кола ичимлиги" Ўзбекистон LTD қўшма корхонаси Шимолий регио-

ни бош менежери Баҳодир Қаландаровнинг фикрича, депутатликка ўз номзодини кўрсатмоқчи бўлган фуқаролар сайлов округидаги ҳолатни олдиндан яхши билиши керак. Ўша жойнинг турмуш шароити, муаммоларини ўрганса ва ўз сайловолди дастурида айнан шу округ муаммоларини ҳал қилиш юзасидан аниқ чораларни кўрсатса, албатта, ушбу худуд аҳолиси бошқа партияларга эмас, айнан O'zLiDeP вакилига ишонч билдиради.

Халқ депутатлари Урганч тумани Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, "Элита чорва насл" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдулла Рўзиметов банклар 30 фоизлик кредит ажрата бошлаганига эътибор қаратди. Биргина мисол, тадбиркор 1 миллиард сўм миқдорда айланма маблағ олса, ундан 200 миллионини солиққа, 300 миллионини банкга тўлайдиган бўлса, янги иш бошлаган тадбир-

корга 500 миллион сўмлик рентабелли иш қаредда бор? Мени эътирозим ҳам, таклифим ҳам шуки, тадбиркорлар учун чет эл валютасида бўладими ёки сўмдами имтиёзли кредитларни айланма маблағ сифатида беришни жорий қилишимиз зарур. Шундангина жойларда тадбиркорлик биз кутандек ривожланади.

O'zLiDeP Хива тумани Кенгаши раиси ўринбосари Отабой Исмоилов партия қонун ҳужжатларида инновацион илмий фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, бундай лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни белгилаб қўйиш тарафдори эканини айтди.

Қўшаҳифа материалларини O'zLiDeP матбуот хизмати ва вилоят мухбирлари хабарлари асосида Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Эртани эгаларига эътибор

■ Чиноз тумани Чорвадор маҳалласида замонавий типдаги шинам ва кўркам мактабгача таълим муассасаси қад кўтарди. Мазкур икки қаватли 70 ўринга эга 28-мактабгача таълим муассасасини инвестицион дастурга асосан моҳир қурувчи Элбек Холдоралиев бошчилигидаги “Само интёр бизнес” масъулияти чекланган жамияти жамоаси реконструкция қилди.

– Янги масканда замон талабларига мос, барча қулайликларга эга ошхона, болалар ўйингоҳи, айвонча ва кенг ёруғ хоналар мавжуд, – дейди “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси Тошкент вилоят қурилиш лойиҳалар техник назоратчиси Ҳамид Маматқулов. – Айти вақтда ушбу корхона бинокорлари туманининг Олмазор кўрғонида яна бир шундай лойиҳа – 6-мактабгача таълим муассасасини

2,4 миллиард сўмлик маблаг эвазига мукамал таъмирдан чиқариб, қайта қуриб беришда. Шу чоғда эса пардозлаш ишлари якунига етди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан ўтган йил 19 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга муво-

зилмани ривожлантириш бўйича” инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти филиали буюртмасига асосан қатор муассасаларда қурилиш-монтаж ишлари кетяпти. Масалан, Бўка шаҳри Магистраль кўчасидаги 8-болалар боччаси ўрнида янгитдан 125 ўринли МТМ қурилиб, айти пайтда фойдаланишга топширилиш арафасида. Бекобод ту-



Суратда: (ўндан чапга) “SALAR EKOPRODUKT” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Шавкат ҲУСАИНОВ ва иш юрлтувчи Мақсудбек АҲМЕДОВ.



фиқ жойларда инвестицион лойиҳа доирасида турли иншоотлар бунёд этилмоқда. Хусусан, Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфрату-

мани Янгибод маҳалласида ҳам болажонлар учун 3,7 миллиард сўмлик лойиҳа ўлароқ 24-мактабгача таълим муассасаси қуриляпти.

Кибрай туманида эса 150 ўринли 20-мактабгача таълим муассасаси янги кўринишга келтириляпти. Ушбу 3,2 миллиард сўмлик лойиҳа қурилиш соҳасида кўп йиллик тажрибаси билан

шуҳрат қозongan Равшан Юнусов раҳбарлигидаги “SALAR EKOPRODUKT” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари саъй-ҳаракати билан амалга ошмоқда. Масканда болажонлар таълим-тарбия топишлари учун кўшимча бино, 6 та айвонча ва бошқа қурилиш ва таъмирлаш ишлари қилинаётир. Муҳими, қурувчилар учун меҳнат унвдорлигига эришиш йўлида тегишли қонунчиликка биноан махсус кийим-бош, 3 маҳал овқат ва бошқа барча қулайликлар яратилган. Шунингдек, бу аҳил жамоа Тошкент тумани Ҳасанбой маҳалласида жойлашган 150 ўринли 35-МТМ биноси реконструкциясида ҳам фаол қатнашяпти. Ҳозирги кунда объектларда қурилиш-монтаж ишлари якунига етиб, пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Насиб этса, лойиҳалар сифатли ва ўз мuddатида топширилади.


Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган “Sam Osiyo mebel”

хусусий корхонаси

корхонада ишлаб чиқарилаётган турли кўринишдаги мебель маҳсулотларини мижозларга таклиф қилади.



Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Шохмурод кўчаси 1-уй.
Мурожаат учун телефон: (66) 235-00-25; (91) 528-00-25.

Пачкамару Кўрғончада...

Газетамизнинг ўтган сонларида бошқа ҳудудлар сингари Қашқадарё вилоятида ҳам амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини навбати билан бериб боришимизни ваъда қилган эдик. Бу галги чиқишимиз Касби, Ғузур, Қарши туманларида қурилиш соҳасида олиб борилётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида.

Касби туманидаги 42-умумтаълим мактаби ҳамда Тинчлик маҳалласидаги 13-умумтаълим мактаби бинolari янги ўқув йили учун капитал таъмирланмоқда. Ушбу таълим муассасалари қурилишида мос равишда “Қашқадарё иншоот таъмир сервис” ва “Проф панел алоқа сервис” хусусий корхоналарининг моҳир қурувчилари жонбозлик кўрсатишаётир. Ғузур тумани Пачкамар маҳалласидаги 365 ўринли 32-мактабгача таълим муассасасини эса “XXI asr”

хусусий корхонаси бинокорлари янгитдан барпо этишди. Лойиҳа қиймати 17 миллиард сўм! Иш ҳам шунга яраша.

Шунингдек, Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича” инжиниринг компанияси Қашқадарё вилоят филиали буюртмаси асосида ҳам бир қатор амалий ишлар бажарилляпти. Масалан, Қарши туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси асосий биноси эскириб, таъмир-талаб кўринишга келиб қолганди. Мазкур ҳолат мутасаддилар томонидан ўрганилиб, тегишли инвестицион дастурга киритилди ҳамда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Айти чоғда бу ерда архитектурасида давр нафаси уфуратган, кенг ёруғ хоналар, ошхона, болалар ўйингоҳи яратилмоқда. Бинони ўз мuddатида, сифатли даражада барпо этишни эса “Кўркам бино қурилиш таъмир

сервис” корхонаси жамоаси зиммаларига олишган.

Таъкидлаш жоиз, худди шундай манзара Қарши шаҳри Кўрғонча маҳалласида жойлашган 32-МТМ биносида ҳам кузатилаётган эди. Ушбу 300 ўринли муассаса таъмирининг инвестицион лойиҳа

қиймати 5,2 миллиард сўм бўлиб, унинг рўёби йўлида Чори Жамолов бошчилигидаги “Ал-Азиз сервис” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бор тажриба ва маҳоратларини намойиш қилишмоқда.

Ю. ЮСУПОВ,
“XXI asr” мухбири



Тадбир

Байрамга айланган ярмарка

Боёвут тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёш ишбилармонлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси, шунингдек, бўш иш ўринлари ва меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Президентимизнинг “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисидаги фармони асосида ташкил этилган тадбирда “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси Боёвут тумани филиали, O’zLiDeP Боёвут тумани Кенгаши, тижорат банклари вакиллари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, туман прокуратураси, Савдо-саноат палатасининг туман бўлими ва бошқа бир қанча манфаатдор ташкилотлар мутахассислари қатнашди.

Имтиёзли кредит олиб, бизнесини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар намойиши тадбирга таклиф этилган юздан зиёд йигит-қизларнинг эътиборини тортди.

– Ёшлар учун том маънода катта байрамга айланган мазкур ярмаркани ташкил этишдан мақсад навқирон авлод вакилларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, банд бўлмаган йигит-қизларни иш билан таъминлашдан иборат, – дейди “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси Боёвут тумани филиали раҳбари, O’zLiDeP Боёвут тумани Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Азизбек Турдимуродов. – Қисқа вақт ичида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган тенгдошларига ҳавас билан қараётган аксарият ёшлар кўнчиликлари, парандачилик, тикувчилик, чорвачилик йўналиш-


ларига қизиқиш уйғонганини билдиришди.

Қайд этиш зарурки, “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси Боёвут тумани филиали томонидан 2018 йили 2 миллиард 322 миллион 800 минг сўм кредит ажратилиб, 57 нафар янги иш ўрни яратилган. 2019 йилнинг шу даврига қадар 270 миллион сўмлик банк кредити эвазига 7 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

Тадбир ташкилотчилари иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтариш баробарида тумандаги ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот беришди. Ярмаркада 23 нафар боёвутлик йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Манзура ДАДАЕВА,
O’zLiDeP Боёвут тумани Кенгаши
аппарат раҳбари

Чимдим ҳайрат, чимдим ҳасрат



Эшқобил ШУКУР

узилиб қолган билаги тақилган соатни топишади. Қаранги... соат бир маромда ишлаб турган экан.

Сел ҳаққи

Бу жой – сел йўли... Бир вақтлар шу ерда селга қарши каттагина дамба қурилган эди. Кўп йиллар сел келмади. Селни унутган одамлар дамба тупроғидан гишт қўйиб сота бошладилар. Тез орада дамбадан асар ҳам қолмади. Бутун бошли дамба шапалоқдай гиштарга айланиб ғойиб бўлди. Ўша гиштардан шу атрофдаги аҳоли уйлар қурди. Яна бир неча йилдан сўнг кучли сел келди. Сел шу даражада катта эдики, пастда ўша гиштардан қурилган уйларни вайрон қилиб, оқизиб кетди.

Биринчи пир

Одамга аввало ўз виждони пир бўлмаса, унга ҳатто авлиё ҳам дастгирлик қила олмайди. Одамнинг биринчи пир – унинг виждонидир.

Қўрқувдан қўрқув

Саҳроий Кабирда илонтумшук бир калтакесак яшайди. У кундузи ташқарига чиқолмайди, фақат тунда чиқади. Агар кундузи ташқарига чиқиб, озгина юрса, бирдан қўрқувдан юраги ёрилиб ўлади. Бу жонот ўз соясидан қаттиқ қўрқади. Бу қўрқув уни ўлдиреди.

Рухий хотира

Менимча, ақлий хотира бор ва руҳий хотира бор. Ақлий хотира унутилиши, сўниши мумкин. Лекин руҳий хотира ўчмайди. Жуда эрта ўлган синглим билан боғлиқ хотираларим менга ақлий эмас, руҳий хотира бўлиб туюлади.

Кичик бир тафтиш

"Одамнинг бир коса овқатга қорни тўяди!", "Яшаш учун бир парча нон ва бир пиёла сув кифоя қилади!" Мен ҳам бу каби гапларни яхши биламан ва гап келганда бировларга айтиб насиҳатгўйлик ҳам қиламан. Лекин ўзим шунга қаноат қиламанми? Шундай сабр ва куч менда борми? Йўқ. Йўқ бўлса, нега бировга ақл ўргатасан? Тил югурик-да, тил югурик! Лекин қаноатли одам кучли бўлишни, қаноатсиз одам ожиз бўлишни ич-ичимдан ҳис этаман.

Заифлик ва даъво

Ҳақим Термизий айтган эканлар: "Инсон нима? Инсон қисқа бир заифлик, узун бир даъводир". "Инсон нима?" деган саволни кўп эшитганман-у, лекин бундай муқаммал жавобни учратмаганман. Авлиёнинг бутун бани башар ҳақидаги бу гапини ўқиб, ўзимга назар соламан, ўзимни тафтиш қиламан. Шунда қисқа бир заифлигимни сезмайман-у, узун бир даъво эканлими билиб қоламан. Қисқа заифлигимни сезмаслигимнинг ўзи катта заифлик-ку.



Фаҳм

Фаҳмли одам ақлининг қаерга етишини билади. Фаҳм-сиз одам ақлини ҳамма жойга етади деб "билади". Уларнинг фарқи шу.

Бемаъниликнинг бемаънилиги

Мен сўзлар маъноси устида кўп ишлаганман. Агар чиндан жад қилсам, кўптега чиқиб улиётган итнинг улишидан ҳам недир маънони топа олишим мумкин. Ҳатто эшакнинг ханграшидан ҳам! Лекин ҳозирги замон эстрадасининг баъзи қўшиқларидан бемаъниликдан бошқа ҳеч нарса топа олмайман. Бу дунёда бемаъниликдай одамни бездирадиган бемаънилик йўқ.

Қалтис ҳазил

Одамзот Худонинг сирлари билан ҳазиллаша бошлади.

Ярим қадам

Янги йил арафасида хизмат сафари билан хориждан қайтдим. Самолётда булутлар устида чой ичдим, ширинликлар едим. Мен даража ёнида эдим. Борт ортида, менадан чамаси 40 сантиметр нарида -60 даража совуқ эди. Мен ўтирган жойда эса +25 даража иссиқ... Ё тавба! Ажал қаҳратони билан орамиз бор-йўғи икки қарич эди!

Эрк

Эрк ирода билан эрқдир. Иродасиз эрк тентаклиқдан бошқа нарса эмас. Мен Айтматов эркида, Хэмингуэй эркида аввало иродани кўраман.

Худо ва ҳаё

Худого фақат ҳаё билан суяниш мумкин.

Эшқобилнинг порлоқ ижодий эртасига қомил ишончим бор.
Асқад Мухтор,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бола ва фаришта

Чалоқ уйқусида қулса онамиз уни фаришта қулдираяпти дер эди. Гудаклар балки фаришталарни кўради. Нима бўлганда, болаларда фаришталарга яқинлик бор. Фаришталарни кўришни истаган одам кичик болалар билан гаплашиб кўрсин. Фаришталарга яқин бўлишни истаган одам болаларга яқин бўлсин.

Қон тарихи

Одам бу дунёда ҳаёти давомида ҳеч қачон кўрмаган нарсасини тушида кўриши мумкин. Рухшуносларнинг айтишича, аслида бу нарсани унинг минг йиллар аввал яшаб ўтган бобоси ўнгидан кўрган бўлади. Одам ҳеч қачон, ҳатто ўлдирсалар ҳам қўл урмайдиган гуноҳ ё жиноятни тушида қилиши мумкин. Гап шундаки, бу гуноҳни қачонлардир, унинг қайсидир бир аждоди қилган бўлса, эҳтимол. Менимча, бу – қон тарихи. Қон адашмайди ҳам, янглишмайди ҳам. Ҳозир қилаётган битта ёмон ишингиз учун икки минг йилдан сўнг авлодларингиздан бири тушларда азоб чекади десам ишонаверинг.

Менталитет

Мен танийдиган кимдир вафот этган бўлса, уч кун ичида унинг фотиҳасига боришим керак. Бормасам, марҳум ҳар қадамда гўё "Нега келмаясиз?" дегандай қаршимдан чиқиб келаверади. Ҳар қадамда!

Мия эшиклари

Баъзан мия эшикларини ёпиб қўйишга тўғри келади. Аслида бу эшиклар доим очик. Ёпиб қўйишнинг иложи бўлмаса, қоровулларни кучайтириш керак. Дуч келган кимса, дуч келган ғийбату миш-мишлар бостириб кириб келавермасин. Эзгу ишлар қолиб кетиб, шулар билан андармон бўлиб қоласиз. Улар жуда кўп нарсдан чалғитади. Миянгишнинг ҳикмат ўтириши мумкин бўлган бурчагида ғийбат ўтирса, Бухорийми, Навоийми ўтириши керак бўлган жойда бир ғаламис ўтириб қолса, бундан ёмони йўқ-ку. Уларни бу уйга киритманг! Чивин ва пашшаларни ҳайдагандай уриб қайтараверинг.

Ўтин ичидаги атиргул

Одамнинг ботинидаги ўтни унинг кўзи қақнаганда кўрса бўлади. Юрагида ўти бор, деган гап бор-ку. Ҳатто қуриган ўтин ҳам ёнаётганда жозибали ва мафтункор бўлади. Айниқса, ўчоқ тўла ўтин қип-қизил чўққа айланиб, оташ сочаётганда энди очилган қирмизи атиргуллардан ҳам чиройли бўлиб кетади.

Ҳар кимнинг ичида шундай ўт бор. Фақат уни кимдир алангалатса, кимдир ўчириб қўяди.

Манба: "Тафаккур"
журнали 2-сон 2019 йил

Сифат – асосий мезон

■ Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси хўжалик юритувчи субъектларга маҳсулот ва хизматлар сифатини янада яхшилаш борасида амалий кўмак берапти

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори синов ва сертификатлаштириш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳам муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда фаолият юритаётган ташкилотлар ишининг самардорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси тилга олинган меъёрий ҳужжатда белгиланган вазибаларни изчил равишда амалга оширяпти. Жумладан, қарорга мувофиқ декларация йўли билан мувофиқликни баҳолаш борасида тизимли ишлар бажарилляпти. Сифат менежмент тизимлари жорий қилинган, акредитланган синов лабораторияси билан шартномаси мавжуд бўлган "Kamalak shabnam teks", "Shijoa tekstil mash", "Kogon fauz qurilish", "Kamalak shabnam", "Deluxe fablic" ва масъулияти чекланган жамияти шаклидаги яна 10 та корхонага декларация йўли билан мувофиқлик сертификатлари расмийлаштириб берилди.

Қарорнинг 5-иловасидаги рўйхатга асосан республикамизга олиб кириладиган истеъмол товарларини мажбурий сертификатлаш "Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги сертификатлаш органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги аккредитация маркази ҳамда янгидан

аккредитация қилинган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Мазкур илова бўйича жорий йил мобайнида Бухоро ССМ ДҚга 305 та мурожаат келиб тушди ва озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун 294 та, машиный электр жиҳозлари учун 9 та ҳамда электротехника маҳсулотлари учун 2 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди.

Шунингдек, ушбу йилнинг январь-июль ойлари давомида Бухоро ССМ ДҚнинг маҳсулотлари сертификатлаштириш бўлими томонидан экспорт билан шуғулланаётган "Ал Ҳаким плюс", "Мергантекс", "Фарангиз Фашон Текстиль Шоев" сингари 15 та хусусий корхонага хом бўз, ип-калава, сут маҳсулотлари, асал, болалар кийимлари, бир марталик шприц, керамик гишт, ювилган кўй жуни, ювиш воситалари ва қурилиш маҳсулотлари учун мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди.

Шу билан бирга 2019 йилнинг 7 ойи давомида ўтказилган сертификатлаштириш жараёнларида 68 000 кг. бугдой уни, 60 570 литр кунгабоқар мойи, 5 000 кг. гипс ва 100 000 кг. шағал – жами 478 миллион сўмдан зиёд маҳсулотлар яроқсиз деб топилганини қайд этиш зарур.


Шу йилнинг биринчи ярмида марказнинг аккредитланган синов лабораториялари мажмуаси томонидан жами 3 729 та синов баённомаси расмийлаштирилди. Жумладан, озиқ-овқат ва халқ истеъмол молларини синовдан ўтказиш лабораторияси томонидан 797 та, электр жиҳозлар ва ишлаб чиқариш ускуналари лабораториясида 209 та,

енгил sanoat va xalq iste'mol molllari laboratoriyasida 266 та, радиология лабораториясида 388 та, автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлари ва ЕММ лабораториясида 2069 та синов баённомаси расмийлаштирилди ва синовлар ўтказилди. Синов натижаларига кўра айрим маҳсулотлар, масалан, олий навли гуруч, технология ускуна, сув насоси фойдаланишга яроқсиз деб топилди.

Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг кимё маҳсулотларини синаш халқаро лабораторияси тадбиркорлик субъектлари, экспортёр ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга 38 та синов баённомасини "ILAC-MRA" белгисидан фойдаланилган ҳолда расмийлаштиргани алоҳида диққатга молик. Зеро, бундай йўл тутилиши хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, хусусий сектор вакилларининг вақти ва маблағини тежаш имконини бермоқда. "ILAC-MRA" белгиси қўйилган синов баённомалари бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида тан олинмоқда. Таъкидлаш кераки, вилоятдаги экспортчи корхоналар ўз маҳсулотларини Қозғистон, Тожикистон, Афғонистон ва Россияга экспорт қилмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, "Ўзстандарт" агентлиги ва Бухоро вилоят ҳокимлиги томонидан худудда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 2019 йилда халқаро стандарт талаблари асосида сифат тизимларини босқич-ма-босқич жорий этиш бўйича тармоқ жавдвали тасдиқланди. Бухоро ССМ ДҚ буйруғига кўра мазкур ҳужжат асосида 127 та корхонада сифат тизимини жорий қилиш учун ҳар бир корхона, шаҳар ва туманларга масъуллар бириктирилди. Ҳозирда улар корхоналарда халқаро стандартларнинг

Реклама ҳуқуқида



мазмун-моҳияти, афзалликлари ҳамда белгиланган имтиёзлар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришляпти. 2019 йилнинг 29 июль ҳолатига вилоятдаги 102 та корхона билан сифат тизимини жорий қилиш юзасидан шартномалар имзоланди. Уларнинг 90 тасига сертификатлаштириш идораси томонидан миллий ва халқаро даражадаги мувофиқлик сертификатлари берилди.

Жаҳонгир ГАЛАЕВ,
"XXI asr" муҳбири

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XUKI
IHTIMOVIY-SIVOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Аҳмад ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯҚУБОВ Тулқун ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насоимжан АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ Асияддин АЛМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир ўривбосари)

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.
электрон почта:
xxi.asr@mail.uz
Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).
Котибхона – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" икътимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет уссулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 858 Тираж: 8266
Баҳоси келишилган нарҳда.
Тошириди – 03-20

Тахриратга келган қўлзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr" дан олинган маълумотларга мана
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахрират компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2183-497X

9 772183 497009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123 56

Навбатчи муҳаррирлар:
Аселдин АЛМАРДОНОВ, Забес ШОЙИМҚУЛОВ.